

# **Нарх статистикаси бўлимнинг**

## **НИЗОМИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Нарх статистикаси бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) Сурхондарё вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методология, ҳалқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, бошқарма Низомига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошлиқнинг биринчи ўринbosари раҳбарлигига ва Нарх статистикаси бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси бошқа тармоқ бўлимлари ва туманлар, шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

### **II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Бўлимнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

**а) нарх статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:**

нарх статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

нарх статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича бўлим ва туманлар, шаҳар статистика бўлимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

**б) нарх статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:**

нарх статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

туманлар, шаҳар статистика бўлимлари томонидан, нарх статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

**в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:**

нарх статистикаси ҳисботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, нарх статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ, нарх статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашрга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

нарх статистикаси бўлими ва туманлар, шаҳар статистикаси бўлимлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

туман, шаҳар статистикаси бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

корхона ва ташкилотларга нарх статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

вилоят статистикаси бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда маъruzалар, статистик тўпламлар учун ҳамда нарх соҳаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлайди;

нарх статистикасига оид статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

белгиланган тартибда бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

### **III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

нарх статистикасига оид ҳисботлар шаклларини, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

9. Бўлим ўзига юкландиган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси топшириқлари, бошқарманинг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, таъминлайди.

### **IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармасининг қарорлари ва буйруқлари, шунингдек Давлат статистика ишлари ишлаб чиқариш дастури, ушбу Низом, бошқарманинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари билан келишилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармасининг топшириқларини, электрон ҳужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида бўлимнинг ойлик ҳисботини тузиш орқали ташкил этилади.

Бўлим фаолиятига бошқарма бошлиғи раҳбарлик қиласди. Бўлим бошлиғи вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

#### **11. Бўлим бошлиғи:**

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

ходимлар томонидан бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

#### **12. Бўлим бошлиғи қуийдаги ҳуқуқларга эга:**

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ходимларни бошқа лавозимларга ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

бўлим ишини ташкил этишни усули ва услубини яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.